

Ҳасан ибн Алийга байъат қилиниши



10:26 / 30.12.2024 1404

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу бомдод намозига чиқаётганларида, хорижийлардан бўлган Абдурраҳмон ибн Мулжам Муродий деган одам у кишини заҳарланган қилич билан жароҳатлади. Бу мудҳиш ҳодиса ҳижрий 40 йил Рамазон ойининг ўн саккизинчи кунда, милодий 660 йилда содир бўлди. Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу уч кундан кейин вафот этдилар. У зотнинг халифаликлари тўрт йилу тўққиз ой давом этди.

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳу ўлдирилганларидан кейин одамлар у кишининг ўғиллари имом Ҳасанга байъат қилишди. У киши 6 ой давомида халифалик қилдилар. Ана шу олти ой мобайнида имом Ҳасан розияллоҳу анҳу ўз асҳобларининг нотавонликларини, умматни бирлаштириш зарурлигини сездилар ва сулҳни афзал кўрдилар. Халифаликдан воз кечиб, Муовияга «Сиз халифа бўлаверинг» деган маънода гап айтдилар. Бу воқеа ҳижрий 40 йил рабиъул аввал ойида, милодий 661 йилда бўлиб ўтди. Ислом уммати бир халифа раҳбарлиги остида қайта бирлашган ушбу йил «Жамоат йили» деган номни олди.

Ҳазрати Алий розияллоҳу анҳунинг ўлдирилишлари билан рошид халифалик ҳам барҳам топган, энди Аллоҳ таолонинг йўлида тўлиқ юриш ҳам ниҳоясига етган эди.

Мана шу ердан аста-секин нотўғри ҳолатга бурилиш бошланди.

Рошид халифалар давридаги энг муҳим ҳодисалар:

- ҳижрий 11 йилда ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар.
- ҳижрий 12 йилда Ридда урушлари бўлди.
- ҳижрий 13 йилда Ярмук жанги бўлди.
- жумодус соний ойида ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу вафот этдилар.
- ҳижрий 14 йилда Дамашқ фатҳ бўлди.
- ҳижрий 15 йилда Қодисия жанги бўлди.
- ҳижрий 16–19 йилларда Форс ерлари фатҳ қилинди.
- ҳижрий 20 йилда Миср фатҳ қилинди.
- ҳижрий 21 йилда Наҳованд жанги бўлди.
- ҳижрий 22–23 йилларда Хуросон фатҳ қилинди.
- зулҳижжа ойида Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шаҳид бўлдилар.
- ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу халифа бўлдилар.
- ҳижрий 27 йилда Тароблус фатҳ қилинди.
- ҳижрий 28 йилда Кипр фатҳ қилинди.
- ҳижрий 31 йилда Зотус-саворий жанги бўлиб ўтди.
- ҳижрий 32 йилда Хуросон қайта фатҳ қилинди.
- ҳижрий 36 йил зулҳижжа ойида ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу шаҳид бўлдилар.
- ҳазрати Алий ибн Абу Толиб халифа бўлдилар.
- туя жанги бўлди.
- ҳижрий 37 йилда Сиффин жанги бўлиб, ҳакамлик ишга тушди.
- ҳижрий 38 йилда Наҳравон жанги бўлди.
- ҳижрий 40 йил Рамазон ойида Алий розияллоҳу анҳу шаҳид бўлдилар.

Шу билан рошид халифалик даври ниҳоясига етди.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.